

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 31 декабрь, № 281 (8343)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҲУКУМАТ ВА ВАЗИРЛИКЛАР ОЛДИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 30 декабрь куни маъмурий ислохотларни амалга ошириш, Ҳукумат таркиби ва иш тизимини ўзгартириш масалалари, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2023 йилдаги энг муҳим вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Йиғилиш аввалида маъмурий ислохотлардан келиб чиқиб, Президент Фармон ва қарорлари-га мувофиқ лавозимларга янги тайинланган Бош вазир ўринбосарлари ва вазирлар эълон қилинди. Улар мутасадди бўлган соҳалардаги долзарб масалалар, халқимиз олдидаги масъулият ва жавобгарлиги кўрсатиб ўтилди.

Ижтимоий соҳада аҳоли бандлигини ошириш ва турмуш даражасини яхшилаш мақсади устувор бўлиб қолмоқда. Бу йил тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага чиқди. Маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, аҳолини узоқ йиллар қийнаб келган масалаларни ҳал қилишга катта маблағлар йўналтирилди. 2 миллиондан ортиқ кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам берилмоқда. Худудларда таълим ва тиббиёт масканлари, ичимлик суви тармоқлари, йўллар қурилмоқда.

Йиғилишда келгуси йилда ҳам иқтисодийнинг барқарор ўсишини таъминлаш бўйича вазифалар муҳокама қилинди. Хусусан, саноатда 5 фоиздан, қишлоқ хўжалигида 3 фоиздан ва хизматлар соҳасида 14 фоиздан зиёд ўсишга эришиш мақсади белгиланди. Иқтисодиёт ва молия вазирлигига бизнес учун шароитларни яхшилаш ҳамда солиқ базасини кенгайтириш, аҳолининг харид қобилиятини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига йирик тармоқларда натижадорлиқни ошириш, саноат борманган туманлар салоҳиятини ўрганиб, уларнинг "ўсиш нуқталари"ни ишга солиш вазифалари қўйилди. Иқтисодийни фақат инвестиция ва экспорт олдинга тортиши, келгуси йил экспорт ҳажмини 23 миллиард доллардан ошириш зарурлиги таъкидланди. Умумий қиймати 8 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳалар ишга туширилиши ва яна 40 та янги йирик лойиҳа бошланиши қайд этилди.

Спортни ривожлантириш масалалари ҳам эътибор қаратилди. Соғлиқни сақлаш ва фармацевтикада коррупцияни йўқ қилиш, давлат қарамоғига муҳтож беморлар билан тизимли ишлаш зарурлиги таъкидланди. — Вазирлар изланиши, бунун тизим билан амалда ўзгариш қилиши керак. Ҳаммамиз оддий ва фидойи бўлиб, халқни севиб, қаттиқ меҳнат қилишимиз зарур. Пировард мақсадимиз — халқимизни рози қилиш, — деди Президент.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ 2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 22 декабрда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 27 декабрда маъқулланган

- 1-боб. Умумий қондалар
- 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади
- 2-модда. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларидан фойдаланиш

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан (бундан буён матнда республика бюджети деб юритилади) ушбу Қонунга мувофиқ ажратиладиган бюджет маблағларидан фақат 2023 молия йили давомида фойдаланилади ва улар келгуси молия йилига ўтказилмайди.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар ўзининг жорий харажатларини, шу жумладан давлат ривожлантириш дастурларини (бундан буён матнда ривожлантириш дастурлари деб юритилади) амалга ошириш учун ажратилган маблағларни бир ривожлантириш дастуридан бошқа ривожлантириш дастурига қайта тақсимлашга ҳақли.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади) қарорига асосан республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларининг 10 фоизгача бўлган чекланган миқдорларини Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан молиялаштириладиган ўз тасарруфидаги ташкилотларга йўналтиришга ҳақли.

Вазирликлар ва идораларнинг ички аудит хизмати тегишли ривожлантириш дастурларининг самарадорлиги натижаларини таҳлил қилади ҳамда таҳлил натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-санасига қадар Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлигига тақдим этади.

Ижтимоий жиҳатдан аҳамиятда молик миллий давлат дастурларини, шунингдек ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришга доир лойиҳаларни молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга чет эл манбаларидан (чет давлатлардан, халқаро ташкилотлардан, халқаро молия ва иқтисодий институтлардан, чет эл ҳукуматларининг молия ташкилотларидан) ажратиладиган грант маблағларининг (бундан миқдорлари ва тармоқларини Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати томонидан мустақил равишда аниқлаш шартлари (имкониятлари) билан ажратиладиган грант маблағлари мустасно) белгиланган миқдорлари ушбу Қонунга ўзгариш киритилмасдан қўйатирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш тўғрисида, шунингдек ривожлантириш дастури мақсади индикаторларининг бажарилиш ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни эшитишни амалга оширади.

(Давоми 4-бетда).

Муносабат ИЛМ — ЭНГ КАТТА САРМОЯ

Қайси соҳани олмайлик, замонавий етук кадрларни тарбияламасдан туриб бирор натижага эришиб бўлмайди. Сабаби ҳар қандай мақсад ҳамда ислохотлар самарадорлигига илм-фан орқали эришилади.

Шу боис кейинги беш-олти йилда мамлакатимизда ёшларга илм чўққиларини эгаллашлари, ўзларининг ақл-заковати, ижодий имконияти ва куч-қувватларини намойён қилиши учун барча зарур шароитлар яратилди. Йигит-қизларнинг оқсак даражага кўтарилиши учун бор имкониятлар ишга солинди. Ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар натижасида кейинги йилларда юзлаб янги мак-

таблар қурилди, 500 минг ўқувчи учун қўшимча ўринлар яратилди, 7 мингдан ортиқ замонавий компьютер хоналари ташкил қилинди. Президентимиз куни кеча пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида "Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққаю ягона тўри йўлидир!" мавзусидаги маъ-

навий дарсликлар кўргазмаси билан таълим харафини таълим соҳасидаги ислохотлар ҳақида сўз юритар экан, янги Ўзбекистондаги ташаббусларни, айниқса, таълим бўйича ислохотларнинг чекка худудларга ҳам кириб боришига ҳаракат қилинаётганини таъкидлаб ўтди.

МАБЛАҒЛАРНИ БИР ДАСТУРДАН БОШҚАСИГА ҚАЙТА ТАҚСИМЛАШ МУМКИН БЎЛАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан Молия вазирлиги билан ҳамкорликда "2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонун мазмун-моҳиятини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестиция ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияларига тушунтиришни назарда тутувчи семинар ўтказилди.

Семинар

Қайд этилганидек, қонунда кейинги йилда иқтисодий ўсиш кўрсаткичи — 5,3, инфляция даражаси — 9,5, консолидациялашган бюджет тақчиллиги янги ички махсулотта нисбатан 3 фоиз миқдорда ҳамда янги-гидан имзоланган давлат ташқи қарзи юқори чегараси 4,5 млрд доллар миқдорда прогноз қилинмоқда. Шунингдек, Давлат бюджетни даромадларидан келиб чиқиб, келгуси йил учун Давлат бюджети харажатлари янги ички махсулотта нисбатан 24,1 фоиз миқдорда белгиланмоқда.

Қонун билан ижтимоий соҳа харажатларининг қарийб 45 фоизи таълим соҳасига, хусусан, қарийб 11 трлн. сўм мактабгача таълим ташкилотларига, 37 трлн. сўм халқ таълимига, 10,4 трлн. сўм ўрта махсус ва олий таълимга ажратилимоқда.

Бундан ташқари, 2022 йилда Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига (марказлашган инвестиция харажатлари билан бирга) 28,4 трлн. сўм ёки 2022 йил учун тасдиқланган режага нисбатан 5,2 трлн. сўм, яъни 22 фоиз кўп маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Давлат бюджети тақчиллигининг прогноз кўрсаткичларидан ошиб кетишининг олдини олиш ва бюджет барқарорлигини таъминлаш мақсадида 2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг номидан чиқариладиган давлат қимматли қозғоғларининг чекланган соф ҳажми 17 трлн. сўм миқдорда бўлиши белгиланмоқда. Бунда молия йили давомида чиқариладиган ҳамда жорий йилда сўндирилмаган Ўзбекистон Республикаси давлат қимматли қозғоғлари чекланган соф ҳажмига киритилмаслиги белгиланмоқда.

Даромадлар бўйича прогнознинг ошириб бажарилган қисми республика бюджетни ихтиёрида қолиши кўзда тутилаётди.

Семинарда 2023 йил учун солиқ-божона сиёсатининг асосий йўналишларига ҳам ўхшатиб ўтилди. Хусусан, қўшилган қиймат солиғи ставкаси амалдаги 15 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилмоқда, айланмадан олинмаган солиқнинг амалдаги 14 та фаолият тури бўйича 4 фоиздан 25 фоизгача белгиланган ставкалари унификация қилиниб, ягона 4 фоиз этиб белгиланяпти.

Семинарда кўтарилган масалалар юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестиция ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияларига тегишли тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯҚКАЮ ЯГОНА ТЎҒРИ ЙЎЛИ



Бир рақам шарҳи

2023 йилда 70 та янги мактаб қурилади, 460 та мактаб кенгайтирилади.

Хусусий инвестициялар иштирокида 100 та мактаб қуриш лойиҳалари бошланади, келгуси беш йилда уларнинг сони 1000 тага етказилади.

Жорий йил бошдан Қорақалпоғистон ва Хоразмда 285 минг нафар бошланғич синф ўқувчиси учун бепул овқатланиш йўлга қўйилди. Келгуси ўқув йилидан бошлаб ушбу амалиёт қолган вилоятлар ва Тошкент шаҳри мактабларида ҳам жорий этилади ва бунинг учун 2,3 триллион сўм ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасидан.

(Давоми 2, 3-бетларда).

